
ФАРҒОНАДА КОРЕЯ САРМОЯСИ ИШТИРОКИДА ИССИҚХОНАЛАР ҲАМДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ УЧУН ПОЛИЭТИЛЕН ПЛЁНКАЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров иссиқхоналар учун плёнкалар ишлаб чиқаришда Корейнинг энг йирик компанияларидан бири бўлган “Sangjin Co., Ltd.” президенти Хён Сан Чой бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашувда “Sangjin Co., Ltd.” компанияси томонидан Фарғона шаҳрида маҳаллий тадбиркор Нозимжон Ҳамроқулов билан ҳамкорликда амалга оширишга киришилаётган гидрофил таъсирли офтоббардош полиэтилен плёнкалар ишлаб чиқариш лойиҳаси муҳокама қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида жадал ривожланиб бораётган иссиқхоначилик соҳаси учун зарур бўлган махсус плёнкалар асосан хориждан импорт қилинаётган бўлиб, бу маҳсулотни маҳаллийлаштириш ички бозордаги талабни сифатли ва арзон маҳсулот билан қондириш билан бирга, қўшни давлатларга ҳам экспорт қилиш имконияти бериши қайд этилди. Режалаштирилаётган корхонанинг вилоят қишлоқ хўжалиги ривожини учун аҳамиятини қайд этган вилоят ҳокими, лойиҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга тайёр эканликларини билдирди.

Май ойининг якунига тамал тоши қўйилиши режалаштирилаётган корхона, кунлик 25 тоннагача турли ўлчам ва қалинликдаги иссиқхона плёнкалари, қишлоқ хўжалиги учун плёнкалар, шунингдек, асфальтоти ва сув иншоотлари гидроизоляциясида фойдаланиладиган геомембрана қопламалари ишлаб чиқаради. Лойиҳа қиймати 3,3 миллион доллар бўлган корхона маҳаллий тадбиркор ҳамда корейлик инвесторларнинг тенг шериклигида барпо этилади.

20 йилдан бери Ўзбекистонга ўз маҳсулотларини етказиб бераётган “Sangjin Co., Ltd.” президенти Хён Сан Чой, мамлакатимизда ушбу лойиҳани жойлаштириш учун амалга оширган узоқ ўрганишлари натижасида Фарғона вилоятини энг жозибадор деб топганини қайд этиб, келгусида яна қатор инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштираётганини қайд этди.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Иқболжон Эргашев ҳам иштирок этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-04 13:20:10